

2022 йил 25 » 01 даги
10480 -сон шартномага
 ИЛОВА

Фойдаланишга қабул килинган газдан фойдаланиш ускуналари
РҮЙХАТИ

Фаолият түри: _____

Кадастр №

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----	----

Табиий газ тарифи _____ сум _____ тийин

т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лейихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газин хисобта олин приборларинин түрләри
		номи	сони		
	БЭСЧ Б.К	2			Прикц Г 10
	Филиалы Б.К	4			Прикц Г 25

Келишилгандар:

Етказиб берувчи
 Рахбар Х.Алиевов
 (Ф.И.Ш.)

Имзоси

Мухр урни


Ижрочи

(Ф.И.Ш.)

Истеммолчи
 Рахбар Ж.Саламов
 (Ф.И.Ш.)

Имзоси

Мухр урни



HGT

HUDUDGAZTA' MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиий газни ултүржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва кабул килиш
ШАРТНОМАСИ

20 ~~декабрь~~ 25 март 10480 -сон Көтөөлөн мөтүлесен
(шартнома түзилгандай)

Низом асосида фаолият юритувчи №1 спорт лесейбие
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари С. Жапсанов

бир томондан хамда Низом ва 20 ~~декабрь~~ 25 март да берилган 03-19-03-93
ишончнома асосида фаолият юритувчи " (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),
раҳбари Х. Айманов иккинчи томондан, кўйидагилар тўғрисида
мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоклари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни кабул килиш мажбуриятини олади хамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартглаштирилган ва сертификатга эга газ курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдикланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол килинини таҳмин килинайтган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20 ~~декабрь~~ 19090,89 куб.м, нархи 12599 987,60 минг сўмни ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўйидагича таксимланади:

I чорак 12599 987,60 минг.м.з. январь 4399 991,60, февраль 2649 994,00, март 1499 994,60

II чорак _____ минг.м.з. апрель _____, май _____, июнь _____.

III чорак _____ минг.м.з. июль _____, август _____, сентябрь _____.

IV чорак _____ Минг.м.з. октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тұлық ҳажмда күрсатиш учун магистрал ва газ тақсомоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий ахамиятга эга Истельмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми 55 000 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил қиласди:

I чорак	<u>30 000</u>	минг куб.м.	январь	<u>10 000</u>	февраль	<u>10 000</u>	март	<u>10 000</u>
II чорак	_____	минг куб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	<u>15 000</u>	минг куб.м.	октябрь	<u>5000</u>	ноябрь	<u>10 000</u>	декабрь	<u>10 000</u>

1.5. Агар, Истельмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истельмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истельмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истельмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истельмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истельмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усувлар оркали Истельмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истельмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истельмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истельмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсиловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш максадида Етказиб берувчи Истельмолчини огохдантирган ҳолда газ етказиб беринши чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳукукига эга, Истельмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликин ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган холатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши хисобланаби) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асоссан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равишида келтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ

истемолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга кўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вактида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангирид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишили далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркиби қисмларининг тўғри ишлашини қузатиш хуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофик Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечиликдан – хисобга олиш прибори ечиликдан кундан “Ўстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечиликдан кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмагандан эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирилсан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишиш талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Иsteъmolчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Иsteъmolчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графикини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аниқланган тақдирда кайта ҳисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун түловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлади.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдириги тартибида мурожаат килишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол килинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўлови ўз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол килинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгилангандан тартибида ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол килинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб усқуналарини тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил килган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўйайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ТГЖНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишини хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъблар бўйича ҳисоб-китоб қиласидан истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандинга асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ой учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳақонийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчидан қўйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори ҳотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолататноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечирилмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ой учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварак-фактурани қабул қиласиди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Иsteъmolчини кўrсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлari учун тўловлардан озод қilmайдi. Узатилган ёки қабул қилинган газ miқdorini aниқлашdan norozisi bўlgan tomon dalolatnomada norozilik sabablarini mажбурий aks etтиriш йўли bilan ҳисоб-китob қилиш oйi tугагandan kейin 10-kungacha boшqa tomoniga bu tўғrida maъlum қилиб, sўnг dalolatnomaning bir nusxasini Etказиб beruvchi vakiliga taқdim қiladi. Ushbu masalani ўzaro ҳal etish imkoniyati bўlmaganدا, keliшmовчилик sabablari belgilangan tarhibda kўrib чиқилиши kerak.

4.17. Иsteъmolchidan debitor қарзларни undiriш Etказиб beruvchi tomonidан konunda belgilangan tarhibda amalga oширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан sўnг ўzboшимчалик bilan қайta уланганда, isteъmol қилинган газ ҳажmi va uning қийmati газ узиб kўyilgan kундан boшlab,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тұлғынан күвват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) үзгартылғанда, Етказиб берувчи бу қақидаги ахборотни ўн беш күн олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар үзгартылғанды, мазкур шартнома ўз кучидаги қолади, истеммол қилинган газ учун тұлов асасида, у конунда белгиланған тартибда күчга кирганидан сұнг амалға оширилади. Бунда истеммолчи табиий газнинг аванс тарықасида тұланған ҳажми учун тұлов кунидан бошлаб күпі барлық күндерде тұлов 1 ой құшымча тұлов тұлашдан озод қылнади.

V. ҲУҚУҚБҰЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеммолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда күрсатып үтілген ҳуқуқбұзарликларға йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеммолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилған далолатномага мувофиқ Истеммолчидан, фойдаланған газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатилған ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеммолчини қонунчиликда белгиланған жавобгарлиқдан озод қылмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ TARTIBI

6.1. Истеммолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунинг қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандан;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмагандан;
- фойдаланилған газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлгандан;
- шартномада белгиланған буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тұловлар амалга оширилмагандан;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмагандан;
- ҳисоблаш приборларига қасдан зарап етказилғанда, прибор кўрсатгичларини ўзгартыриш мақсадида уларнинг ишлениш тартибидан қалыптасылған ҳатти-харакатлар амалга оширилған ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланғанди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилған моддий зарап ёки бой берилгандын фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокқа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қўйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмираш-тиклиш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниглаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қискарған ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳукуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзgartиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

 - табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
 - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;
 - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичida алмаштириш;

- Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кисқартириш ёки тўхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узуб қўйиш;
- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
- газ тармоқларига авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечинтириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.
- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари, газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазиспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қаёдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масоғадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган холда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувоғик бир томонлами бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, заарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вактинча тўхтатиши.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қўйидаги холларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган холларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилиади, қўйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

- б) магистрал газ кувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киш даврида вактинга газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);
- г) шартнома асосида Истъемолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганда, Истъемолчи газ кабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истъемолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайташини талаб қилиш хукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган хажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истъемолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истъемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истъемолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истъемолчи мағфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига катъий риоя килиади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белги, анган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

ХІ. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ құвурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ішілаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларидан күтілмеган авария вазиятлари юзага келганды, шунингдек енгіб бұлмас күчлар туфайли содир бұлған табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома буйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бұлмай қолғанда жавобгарлықка жалб этилмасдан, газ етказиб бериши тұхтатиши, қысқартириш ёки муносабтларни тұхтатиши ҳуқуқига зәға бүладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бірінін хабардор килиши керак.

11.3. Агар, күрсатылған ҳолатлар 90 кундан ортиқ күн мобайнида сақланиб тұрса, томонлар музокаралар йүли билан шартноманы келгусида бажариш тұғрисидеги қарор қабул қиласылар.

ХІІ. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартыриш ва құшимчалар ёзма рациональдасынан қамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

* 12.2. Бюджет ташкылтлари учун шартнома Ўзбекистон Республикасы Президентининг 2007 йил 28 февралидеги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилған кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома _____ йил 31 декабргача бўлған муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиши тұғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилған хисобланади.

Бюджет ташкылтлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиши тұғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилған хисобланади. Бюджетдан маблаг олувчилик ҳар йили “_____” йил 31 декабр санаасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома буйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқылади.

ХІІІ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини тақомиллаштыриш буйича құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул килинши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеммолчиларга етказиб бериш жараённанда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун иккى нұсқада тузилған, иккала нұсқаси ҳам бир ҳил юридик кучга зәға.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудигат Қоракалпогистон»</p> <p>Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Бердаҳ гузари №179 КТУГ коди _____ ХХГУГ _____ 35220 Болганини телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43 н/р: <u>22634000305113960482</u> Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк Раҳат филиали» МФО: 00435 ИНН: 306605769 Х/Р _____</p> <p>Рахбар: <u>Х.Айманов</u> (Ф.И.Ш.) Имзаси: <u>Х.Айманов</u> Мухр ўрни</p>	<p>“ИСТЕММОЛЧИ” <u>Н. Босим</u> <u>Пегеччи А.И.</u> (бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи) Почта манзил: _____ ОКПО коди _____ ОКЭД _____ Мулокот телефони <u>34 631 09 83</u> Фаз./х <u>234020030010 000 1010</u>. Банк номи: <u>УБ Газиев</u> МФО <u>00014</u> ИНН <u>907114456</u> ш/х <u>1000 22860352127083 610</u> х/р. <u>2215001</u> (разынчиллик булинмаси номи) Рахбар: <u>С.Каримов</u> (Ф.И.Ш.) Имзаси: <u>С.Каримов</u> Мухр ўрни</p>
---	--

Юридик маслаҳатчи холосаси:

Турсеб Ғ
(Ф.И.Ш.)

С.К.Р
(имзо, мухр)

сана)